



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 15 август, № 161 (4824)

Шанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

фарзандларимизни китоб, дафтар ва ўқув қуроллари билан таъминлашда катта қулайлик туғдирмоқда

Ҳадемай, республикаимиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланади. Айни кунларда эса ўқувчи-ёшлар ота-оналари, яқинлари билан биргаликда ўқув машғулоти учун зарур буюмлар, ўқув қуроллари, мактаб формалари харид қилишга ошиқишмоқда.



(Давоми 2-бетда).

Темур ҚУРБОНБЕКОВ олган сурат.

Тараддуд

Албатта, бу жараёнда ҳам сифатли, ҳам арзон, ҳам замон андозларига мос махсулотлар ва буюмлар талаб юқори бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярмида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, мутасадди ташкилотлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилган эди. Шунга мувофиқ, 20 июлдан эътиборан, республикамизнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида, шунингдек, мактаблар, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарлари ва ўқувчилар формалари сотиладиган ярмаркалар ташкил этилмоқда. Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ҳозирда республикаимиздаги 754 та мактаб қошида шундай ярмаркалар ишлаб турибди. Уларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли мактаб товарлари, ўқув жиҳозлари арзон нархларда харидорларга тақдим этиляпти.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент, Сизни жорий йилда нишонланажак Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон ҳам Италия каби кўп асрлик тарихга эга. Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон маданияти ва урф-одатлар чорраҳаси ҳисобланади. Ушбу заминда тамаддунолар уйғунлашган ва тараққий этган.

Мустақилликка эришгач, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё геосиёсатида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Пойтахтингиз каби икки минг йилдан зиёд тарихга эга Рим шаҳри мэри сифатида Тошкент мен учун, айниқса, гоят яқиндир. Жаноб Президент, Сизнинг биз қадимий тарихимиз анъаналаридан келажагимизни барпо этиш учун маънавий ва руҳий қуч олишимиз мумкин, деган фикрингизга тўла қўшиламан.

Шунингдек, бизда ҳам Рим шаҳрига асос солинган кунни байрам қилиш азалий анъанага айланган. Ҳар доим 21 апрелда жорий йил 2762 ёши қарши олган пойтахтимиз "таваллуд куни"ни нишонлаймиз. Сизни барча Рим фуқаролари номидан ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан табриклашга ҳамда Ўзбекистонда ёрқин ва рангоранг тарзда ўтказилажак мазкур байрам шодийоналарига қўшилишимизга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга энг эзгу тилақларимни изхор этаман.

Жанни АЛЕМАННО,
Рим шаҳри мэри.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг байрам қилиниши муносабати билан Сизга энг эзгу тилақларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Тошкент ўзининг узоқ асрлик тарихи мобайнида дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшди. Шаҳар Ислам маданияти гавҳари сифатида бугунги кунда ҳам замонавий пойтахт талаблари маданий мерос ва машҳур мезморчилик қадриятларини асраб-авайлаш билан уйғунлашувига алоҳида эътибор қаратмоқда. Биродарлик алоқаларини ривожлантириб, мамлакатларимиз пойтахтлари — Берлин ва Тошкент бир-бирдан кўп нарсани ўрганиши мумкин. Шу маънода, ёши жиҳатдан нисбатан навқирон шерик бўлиш Берлинда самарали ҳамкорлигимизни янада жадаллаштира олишимизга аминдирлар.

Сизга Тошкентнинг икки минг йилдан зиёд тарихи асосида Сизнинг қатъий раҳбарлигингиз остида юртингиз тараққиёти янада кўпроқ иқтисодий қудрат ва демократияга эришишини тилак сифатида билдирмоқчиман. Берлин, мана, 16 йилдирки, мазкур бой тарихнинг бир қисми бўлиб келаётганидан фахрланади ва келгусида ҳам муваффақиятли ҳамкорликдан мамнун бўлиб қолади.

Самимий тилақлар билан,

Клаус ВОБЕРАЙТ,
Берлин шаҳри амалдаги бургомистри.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! «Британия — Ўзбекистон» жамияти номидан Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Сизга ва Ўзбек халқига самимий қутловларни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мен, мана, ўн йилдирки, Ўзбекистонга мунтазам таширф буюраман ва доимо мамлакатингиз пойтахтининг нобъ тарихий мероси, замон билан ҳамнафаслиги ва ҳаётий жўшқинлигидан завқланаман. Тошкент — Буюк Ипак йўли гавҳари сифатида ном таратган ва Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар, шунингдек, сиёсий, ишбилармонлик ва илмий алоқаларнинг муҳим чорраҳасига айланган.

Мен Тошкент шаҳрининг Ислам тамаддуни ривожига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Усмон Қуръони сақланган Хазрати Имом мажмуаси, Қўқалдош мадрасаси ва мамлакатдаги шу каби муқаддас қадимкорлар ҳамда ёдгорликларнинг мустақиллик йилларида қайта тикланиб, дунё аҳли учун очиб берилгани қувонарлидир.

Жамиятнинг янги Президенти сифатида мен Буюк Британия ва Ўзбекистон халқлари ўртасида мамлакатларимизга оид билгим ва тушунарларнинг илгари сурилишини янги бошқича кўтариш истагидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноб Олийлари, барча тошкентликлар ва Ўзбек халқига бахт ва равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром билан,

лорд Фред ПОНСОНБИ,
«Британия — Ўзбекистон» жамияти президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Сиз ва Ўзбекистон халқига бугунги кунда Марказий Осиёдаги шаҳри азим, замонавий мегаполис, Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк ҳамда турли маданият ва савдо алоқалари чорраҳаси бўлган Тошкент шаҳрига асос солинганнинг 2200 йиллиги муносабати билан ўзим ва Британия Кенгаш номидан энг эзгу тилақларни изхор этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мен 2008 йил октябрда ушбу шаҳарга таширф буюриш шарофига муяссар бўлиб, Хазрати Имом мажмуи ва Усмон Қуръонини қўришдек бахтга мушарраф бўлганман. Бу Тошкентнинг жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшишда давом этиб келаётган Ислам маданияти ва маърифатининг буюк марказларидан бири сифатидаги ўрнидан далолат берувчи муҳим кўрсаткичдир.

Шубҳасиз, шаҳарлар ўзгаради, аммо ўз тарихини асраб-авайлаш ва шунингдек, жадал замонавийликни ўзида муҳассас этишга қодир бўлган шаҳарларгина чинакам бойдир. Айнан шу маънода, фикримча, Тошкент ва Лондонни қандайдир муҳим бир жиҳат бирлаштириб туради.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз ва Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, яна шуну таъкидламоқчиманки, жорий йилда Британия Кенгашини ҳам ўзининг 75 йиллигини нишонлайди. Бу маданият борасидаги кўприкларни барпо этишда, хусусан, Сизнинг буюк пойтахт шаҳрингиз ва мамлакатингиз билан бизнинг ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйишдаги муҳим даврдир.

Сизга чексиз ҳурмат билан,

Мартин ДЭВИДСОН,
Британия Кенгашини раиси ва ижрочи директори.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА


14 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август кунини Тошкент шаҳрида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини, жумладан, «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»

«Электр энергетикаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунларни киритиш режалаштирилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш мақ-



садида Сенат муҳокамасига киритилаётган «Енгил хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Истиқлол йилларида гўзал ва мафтункор пойтахтимиз Тошкент ҳар қачонгидан яшнар-яшариб борапти. Бундан 100 йил олдин бу ерда 314 минг киши истиқомат қилган, атиги 186 та катта-кичик дўкон, тахминан 50-60 та маҳалла ва шундан сал кўпроқ кўчалар бўлган экан. Бугун-чи? Пойтахтимизда уч миллионга яқин аҳоли умргузаронлик қилмоқда.

НУРЛИ ВА ОЙДИН КЎЧАЛАР

Азим шаҳарнинг қадимий кўчаларини кезар экансиз, беҳиштиёр бу ердан кимлар ўтмаган, деган хавлга борасиз. Шунда 1916 йилнинг муҳими воқеалари, ўтган асрнинг қатағон, уруш йиллари, қамқоқоналарда ранги сарғайиб, кўзларига мунг чўккан маърифатпарвар алломаларимиз нигоҳлари кўз ўнгингизда жонланади. Гўёки, уларнинг барчаси бирварақайига «Биз дориламон кўчаларга етмадик, сизларга саводат кўчалари насиб этди, шукрона айтинг», деяётгандек туюлади.

Биласизми, Истиқлолимизнинг буюк ва нузли манзилли — Тошкентда айни пайтда қанча кўча бор? Эътибор қилинг. Учтепа туманида 482 та, Бектемир туманида 51 та, Миробод туманида 101 та, Сирғали туманида 140 та, Собир Раҳимов туманида 513 та, Чилонзор туманида 276 та, Шайхонтоҳур туманида 612 та, Юнусобод туманида 430 та, Яқкасар туманида 241 та, Хамза туманида 476 та, Мирзо Улуғбек туманида 453 та шоҳкўча, ўрта ва кичик кўчалар мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Шуни гурур билан таъкидлашимизки, ўтган ўн саккиз йил мобайнида юртимиз санъат намоёндалари ўзимизга хос ва мос қарашларимиз, мақсаду мудабоҳаримизни ҳеч бир тўсиқ ҳамда тақиқларсиз ифодадалаш, эмин-эркин ижод билан шуғулланиш бахтига муяссар бўлишди. Бу чин маънода Истиқлолимиз инъом этган имкониятдир.

Шу маънода, бундан ўн икки йил муқаддам Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилганлигини мамлакатимиз маданияти улкан тарихий воқеалик бўлган эди, дейиш мумкин. Чунки бу билан ижодкорларни бирлаштиришга эришдик, санъатда қадимий анъаналарни тиклаш, миллий қадриятларни тараннум этувчи буткул янгича ижод намуналарини яратиш борасида оқилна тадбирларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Уша кезлар янги даврга ўтиш қийинчиликлари боис қатор қўшни мамлакатларда санъат аллақачон тижорат йўлига ўтиб, Ғарбда ҳуқуқрон оммавий маданият унсурлари бадиий ижодга ўз таъсирини ўтказётган, аксарий бадиий асарларда санъат мезонларидан йироқ енгилли шакли ва гоаярқа берилиш

Ифтихор

харакатлар олиб борилди. Истиқлол туфайли истеъдодли мусаввир ва ҳайкалтарошларимиз ижоди, чин маънода, миллий манфаатларимизга хизмат қила бошлади. Эркин ижодий муҳит, санъат ривожига юксак эътибор туфайли Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Шаҳрисабз, Термиз, Андижон, Фарғона, Қарши каби тарихий шаҳарларнинг буюк ўтмиши, буюк аждодларимиздан мерос бой тарихий анъаналарни намойиш этиш учун ёдгорлик сиймосини акс эттирган маҳобатли ҳайкаллар урнатилган майдон ва хиёбонлар бунёд этилди. Рассомларимиз яратган янгида-янги асарлар муҳташам музей ҳамда галереялардан жой олди.

(Давоми 4-бетда).

СИФАТЛИ ПАРВАРИШ — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Авгул — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

Ҳозир гўзанинг ҳам илдизидан, ҳам бағридан «нафас» оладиган вақти. Боиси, кўклардан бошлаб сифатли парвариш қилинаётган экинимиз бўйига тортиди, илдизи чуқурлашди. Шохларро қўшиб нурларининг бирдек тарқалиши учун айни пайтда бажарилаётган чекананинг аҳамияти катта, майин ишлов бериш эса илдизнинг «нафас йўллари»ни очди.

Боз устига, чеканка ёхуд тез-тез енгил ишлов бериш орқали гўза «варақланади». Натижада экин бағрига шабада тегиб, шамоллайди, яйрайди. Эгнатдаги сув «шарбат» усулида «етақлаб» сугорилса, экиннинг илдизи минералларга тўйинади, мағзи тўқ ҳосил тўплайди. Бизнинг Мирзақўлимиз шароитида гўзга ишлов беришининг ўзига хос жиҳатлари бор. Сизот сувлари юзада бўлган ҳудудларда, ай-

ниқса, сугоришга ўта зийраклик билан ёндашилади. Яъни, ер шароити ҳисобга олинади. Чанқатиб ҳам, кўллатиб ҳам қўйилмайди. Шу боис август ойида сувчилар сони кўпайтирилади. Уқариқлар оралиғи 50-60 метрдан оширилмасдан, жўкларга сув тунда таралади.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида"ги ва бошқа қонунлар катта аҳамиятга эга бўлади.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида гуманитар соҳани изчил ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган қонунларни, хусусан "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун-

ларни ҳам қўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида"ги қарор қабул қилинган эди. Юртбошимиз ташаббус билан ишлаб чиқилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган вазифаларни рўйга чиқаришда маҳаллий ҳокимиятларга, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига, уларнинг доимий комиссиялари зиммасига бундай масъулият юкланиши бежиз эмас.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Зеро, инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишда, аввало, жойларда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш айна заруратдир.

Шу боис Жиззах вилоятида Олий Мажлис Сенатининг юқорида номи қайд этилган ҳамда "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммоларини ҳал этишдаги фаолияти мувофиқлаштирилиши таъминлаш масалалари тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан муайян тадбирлар бажарилмоқда. Натижада халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари фаолияти кўламини кенгайтиб, иш самарадорлиги тобора ошмоқда. Вилоят ҳаётига дахлдор масалаларга эътиборни кучайтириш, айниқса, доимий комиссиялар сай-ҳаракатини йўналтириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилангани бу борада айна мўддоа бўлаётди.

Маълумки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда сессия муҳокамасига киритилган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, мамлакатимиз қонун ҳужжатларини рўйга чиқариш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссиялар тў-

зади. Демак, амалдаги ҳуқуқий меъёрларга риоя этилишини таъминлашда доимий комиссиялар зиммасига катта масъулият юкланган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозирда Жиззах вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари мазкур ҳужжатларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан изчил чоралар кўрмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг Саноят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси Президентимизнинг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони талабларининг "Зилола текс" акциядорлик жамиятида ижро этилишини ўз иш режасида алоҳида қайд этди. Халқ депутатлари Пахтакор тумани Кенгашининг тегишли доимий комиссияси эса ушбу фармоннинг туман электр тармоқлари ҳамда пахта тозалаш корхоналарида бажарилиши-устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни белгилаб олган. Бундай аниқ тадбирлар вилоят Кенгашининг Аграр ва сув ҳўжалиги маса-

ларини ҳамда Саноят, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиялари иш режаларига ҳам киритилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Айтиш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган

лар ижроси қаттиқ назорат этилаётгани ҳисобига эришилмоқда.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, айрим ҳудудларда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Арнасой, Дўстлик туманларида истеъмо моллари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаган. Янгибод, Бахмал, Зафаробод, Мирзачўл, Зарбдор туманларида ҳам кўрсатиш бўйича ушбу сўзсиз таъминлаш бўйича Янгибод туманларида минтехнология келтириши ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришда суғурилган йўл қўйилмоқда. Бунда, албатта, ушбу туманлар Кенгаши доимий комиссияларининг янада фаолроқ иш олиб бориши талаб этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунлар, фармон ва қарорларнинг самарали ижро этилишида жамоатчилик иштироки муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, халқ де-

путатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг бу борада қатор ҳуқуқий имкониятлари мавжуд. Чунки, доимий комиссия аъзолари белгиланган тартибда ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармаларининг ҳисоботларини дастлабки тарзда тинглаш ва ўз хулосаси билан сессия кун тартибига киритиши мумкин. Вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида ушбу институтни амалда қўллашнинг ўзига хос тажрибаси шакллангани, унинг ҳаётдаги самараси сезиларли бўлмоқда. Хусусан, 2007-2008 йилларда доимий комиссияларда 124 та қорона ва ташкилотнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида эса 46 та бошқарма ҳамда ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланган. Соҳаларда эришилаётган ютуқлар эътироф этилиб, мавжуд камчиликларни ҳал қилиш, ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақлиф ва мулоҳазалар белгирилган.

Демак, юқори палатанин тегишли қўмитаси ёки ишчи гуруҳининг халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан қўшма мажлисларида айрим қонунларнинг вилоятдаги ижроси натижалари муҳокама этилаётгани депутатларимиз иш қўламини янада кенгайтириш, уларнинг фаолиятига хизмат қилаётди. Масалан, яқинда Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда вилоят Кенгаши мажлисида Жамиятга ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ижроси ўрганиб чиқилди. Унда бажарилиши лозим бўлган ишлар, тадбирлар юзасидан тегишли мулоҳазалар билдирилди, тақлифлар ўртага ташланди. Бир сўз билан айтганда, бундай тадбирлар маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини янада жонлантирмоқда.

Бугунги кунда маҳаллий Кенгашлар ва унинг доимий комиссиялари янада фаолроқ ишлаш, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириши ниҳоятда муҳимдир. Чунки ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойилларидан бири ҳам шун.

Надира ҚАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

СИФАТЛИ ПАРВАРИШ — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ғўзалар шигил ҳосилга кирган паллада зарарку- нанда ҳашаротлар ва касалликларга қарши чора қўришнинг аҳамияти катта. Қолаверса, галлазорлардан "бўшаган" ҳашаротларнинг унга туташ пахта майдонларига кўчиши бу вазифага ўта эътибор билан қараши талаб этади. Фермер ҳўжалигимизда зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг биологик усулидан кенг фойдаланаямиз. Деҳқонларнинг "Экиннинг аҳволини билай десанг, субҳидамда дала айлан", деган гапи бор. Ҳўжалигимизда ана шу қоидага қатъий амал қилинади. Тонгда ғўза майдонларини айланиб, навбатдаги юмушларни белгилаб оламиз.

Ҳозир ҳар бир туп ғўзада ўртача 12-13 тадан қўсақ бор. Бу йил мақсадимиз юксак: ҳосилдорликни ҳар йилдагидек 40 центнердан камайтир- маслигимиз лозим. Бунинг учун эса ғўза парварши- нинг энг муҳим босқичи — асад ойда парвар- риш, суғориш ҳамда зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш ишларини вақтида сифатли адо эт- моқдамиз. Ана шунда мўлжалдаги пахта ҳосилини, албатта, тўплаймиз.

Тошўлат ШОЙЗОҚОВ,
Бойвот туманидаги «Шойзоқ ота» фермер ҳўжалиги раҳбари.

Бағдод туманида
Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Байрамга муносиб тўхфа

Айни пайтда туманда- ги Чўринди, Чуваланчи, Муруват, Ултарма қишлоқларида янги гузарлар қўриб, фойдаланишга топ- ширилди. Ушбу мажмуаларда савдо дўкони, сартарош- хона, ошхона каби ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Шунингдек, туман қишлоқларида 8,1 километр- лик ичимлик суви ҳамда 8,4 километрлик газ қувур- лари тортилди.

Бундан ташка- ри, ҳозирда қарийб ўн гек- тар майдонни эгаллаган деҳқон бозори қурилиши аяқуналиш арафасида.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимиз кўчалари бўйлаб айлансангиз, йўл- йўлакка 16 та истироҳат боғидан ўтчингизга тўғри келади. Боғлардаги шарт- шароитлар бири-биридан аъло.

"Сайр қилсанг, кўча яхши", деган ибора, мана, 18 йилдирки, Тошкентнинг 474 та маҳалласида тил- дан тилга кўчиб юрибди. Бир вақтлар Қорасарой- нинг ўйдим-чуқур кўчаси бўйлаб Ҳазрат Имом маж- муасига етгунингизгача то- лиқиб қолардингиз. Энди- чи?! Истиклол шарофати, Юртбошимиз раҳнамолиги- да қалди ва қадри тиклан- ган Эски шаҳарнинг кўча- ларини кезиб асло чарқок сезмайсиз. Аксинча, роҳат- ланасиз, гурурланасиз.

— Сағбон кўчаси бўйлаб бундан 20 йиллар муқад- дам Эски жўвадан Талаба- лар шаҳарчасига қатнайди- ган 100-рақамли "Пазик" русумидаги автобусларга тикилишда кириб олсан- гиз, бир бекат оралигида юрагингиз қинидан чиқиб кетарди, — дейди Собир Раҳимов тумани, "Гузарбо- ши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунжўжа Эргашев. — Ҳар эллик қадамда ахлат уюми, чанг- тўзон, қишда эса мўрилар- дан буруқсиб чиқаётган қўмир тутуни, сув излаб че- лак кўтарган болакайлар- нинг кўчада уймалашиб ту- риши киши дилини ҳуфтон

қиларди. Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз Эски шаҳар- га эътибор қилдилар. Аҳоли турмуши, яшаш ша- роити билан қизиқдилар. Сўнгра муаммолар ечими- ни кўрсатиб, Эски шаҳар- ни ободонлаштириш режа-

кис. Икки томонидаги уй- лар газлаштирилган, ичим- лик суви билан таъминлан- ган, муюлишлари, ҳатто, тор кўчалари ҳам асфальт- ланган. Сағбоннинг "Эски жўва" бозори бикинидаги оилавий поликлиника, сал наридаги Болалар ижоди-

эди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан "Ачаобод" бўлди. Замона- вий спорт мажмуаси, кўркам полклинника, обод гузар бунёд этилди. Маҳал- ла аодамларининг бугун гаплари дадил. Рўҳиятлари кўтаринди.

Бинобарин, дунёда кўча- лар сони миллионлардан ошиқ, Рим, Париж, Лондон кўчалари ҳақида тинимсиз сўзлаш мумкин. Лекин биз учун Истиклол нури билан чароғон, Юртбошимиз меҳ- ридан обод, халқимиз гай- ратидан ғўзал қиёфа касб этган Тошкент кўчалари азиз ва табарруқдир. Чун- ки уларда аждодларимиз руҳи уйғок, келажакимиз- нинг соҳиблари, навқирон авлодларимизнинг шашту интилишлари намоеён. Исти- қлолимизнинг 18 йилли- ги ва Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантаналари арафасида, кўчаларимиз янада фусункор чирой оч- моқда.

Бош кентимиз кўча- лари нақадар мафтункор. Улар Мустақиллигимиз ме- васи, бахту иқболимиз ифодасидир. Шундай экан, биз учун уларда сайр қилиш, умримизнинг ёрқин лаҳзаларини шу кўчаларда бирга баҳам кўриш жуда ҳам ёқимли, жуда ҳам қадрли туйғу бўлиб қолаверарди.

Абдулхамид ҚУТБИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НУРЛИ ВА ОЙДИН КЎЧАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Пойтахтимиз кўчалари бўйлаб айлансангиз, йўл- йўлакка 16 та истироҳат боғидан ўтчингизга тўғри келади. Боғлардаги шарт- шароитлар бири-биридан аъло.

"Сайр қилсанг, кўча яхши", деган ибора, мана, 18 йилдирки, Тошкентнинг 474 та маҳалласида тил- дан тилга кўчиб юрибди. Бир вақтлар Қорасарой- нинг ўйдим-чуқур кўчаси бўйлаб Ҳазрат Имом маж- муасига етгунингизгача то- лиқиб қолардингиз. Энди- чи?! Истиклол шарофати, Юртбошимиз раҳнамолиги- да қалди ва қадри тиклан- ган Эски шаҳарнинг кўча- ларини кезиб асло чарқок сезмайсиз. Аксинча, роҳат- ланасиз, гурурланасиз.

— Сағбон кўчаси бўйлаб бундан 20 йиллар муқад- дам Эски жўвадан Талаба- лар шаҳарчасига қатнайди- ган 100-рақамли "Пазик" русумидаги автобусларга тикилишда кириб олсан- гиз, бир бекат оралигида юрагингиз қинидан чиқиб кетарди, — дейди Собир Раҳимов тумани, "Гузарбо- ши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунжўжа Эргашев. — Ҳар эллик қадамда ахлат уюми, чанг- тўзон, қишда эса мўрилар- дан буруқсиб чиқаётган қўмир тутуни, сув излаб че- лак кўтарган болакайлар- нинг кўчада уймалашиб ту- риши киши дилини ҳуфтон

қиларди. Истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз Эски шаҳар- га эътибор қилдилар. Аҳоли турмуши, яшаш ша- роити билан қизиқдилар. Сўнгра муаммолар ечими- ни кўрсатиб, Эски шаҳар- ни ободонлаштириш режа-

кис. Икки томонидаги уй- лар газлаштирилган, ичим- лик суви билан таъминлан- ган, муюлишлари, ҳатто, тор кўчалари ҳам асфальт- ланган. Сағбоннинг "Эски жўва" бозори бикинидаги оилавий поликлиника, сал наридаги Болалар ижоди-

эди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан "Ачаобод" бўлди. Замона- вий спорт мажмуаси, кўркам полклинника, обод гузар бунёд этилди. Маҳал- ла аодамларининг бугун гаплари дадил. Рўҳиятлари кўтаринди.

Бинобарин, дунёда кўча- лар сони миллионлардан ошиқ, Рим, Париж, Лондон кўчалари ҳақида тинимсиз сўзлаш мумкин. Лекин биз учун Истиклол нури билан чароғон, Юртбошимиз меҳ- ридан обод, халқимиз гай- ратидан ғўзал қиёфа касб этган Тошкент кўчалари азиз ва табарруқдир. Чун- ки уларда аждодларимиз руҳи уйғок, келажакимиз- нинг соҳиблари, навқирон авлодларимизнинг шашту интилишлари намоеён. Исти- қлолимизнинг 18 йилли- ги ва Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантаналари арафасида, кўчаларимиз янада фусункор чирой оч- моқда.

Бош кентимиз кўча- лари нақадар мафтункор. Улар Мустақиллигимиз ме- васи, бахту иқболимиз ифодасидир. Шундай экан, биз учун уларда сайр қилиш, умримизнинг ёрқин лаҳзаларини шу кўчаларда бирга баҳам кўриш жуда ҳам ёқимли, жуда ҳам қадрли туйғу бўлиб қолаверарди.

Абдулхамид ҚУТБИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

фарзандларимизни китоб, дафтар ва ўқув қуроллари билан таъминлашда катта қулайлик туғдирмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).



— Ушбу савдо-сотикни ташкил этиш орқали, аввало, аҳолига қулайлик яратиш кўзда тутилган, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутасассиси Умид Муродов. — Масалан, айни кунда йирик тижорат нуқта- лари, бозорларга яқин ҳудудда яшовчи аҳоли ана шу савдо мас- канларидан ташкил этилган мак- таб ярмаркалари хизматидан фойдаланишлари мумкин. Шу мақсадда пойтахтдаги 35 та бо- зор ҳудудидан шундай ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилган. Қола- верса, 22 та умумтаълим маска- ни қошида ҳам "мактаб бозорла- ри" ишлаб турибди.

Яқасарой туманида жойлаш- ган 144-умумтаълим мактаби пой- тахтдаги энг илгор билим мас- канларидан бири саналади. 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб бу ерда тахсил олаётган ўқувчилар сонини қарийб минг нафарга етади. Шу кўнларда ушбу мактаб қошида ташкил этилган ярмарка ота-она- лар, ўқувчи-ёшлар билан гавжум.

— Ярмарка хизматидан нафа- қат бизнинг ўқувчиларимиз, бал- ки худудимизга яқин жойлашган мактаблар, лицей ва коллеж ёшлари ҳам фойдаланишгапти, — дейди 144-умумтаълим мактаби директори Гулчехра Расуллова. — Эътиборлиси, бу ердан ўқув жи- рохлари, мактаб товарларининг бундан тўлиғи мумкин.

— Уғлим бу йил 2-синфда ўқийди, — дейди Шоҳида Қари- мов. — Очиги, бозор дўконлар- га борсак, пештахталарга хилма-

хил ўқув буюмларини териб қўйи- шибди. Бироқ қайси қалам-даф- тар ёки бўёқни танлашни билмай иккиланамиз. Негаки, баъзан уларнинг сифатига шубҳа билан қарасак, баъзида нархи маъқул келмайди. Давлатимизга, ҳукума- тимизга раҳмат. Бугун мактаб яр- маркаларида ўқув жараёни учун зарур бўлган барча маҳсулотлар сотилапти. Қувонарлиси, улар юртимизда ишлаб чиқарилган. Шу тўғрисида сифатидан кўнгли- миз тўқ, баҳоси ҳам арзон.

Бугун бундай қулайлик ва им- кониятлардан республикамизнинг бошқа ҳудудларида яшовчи юрт- дошларимиз ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилоятида 90 та, Тошкент вилоя- тида 78, Самарқандда 71 та, Фа- рғона вилоятида 75 та "мактаб бозори" ташкил этилиб, самара- ли фаолият юритапти.

Ф. БЎТАБ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

АНДИЖОН туманида
"Андаметаллҳамкор"
Ўзбекистон — Буюк
Британия қўшма корхо-
наси иш бошлади.

Андижон шифери

Бу ерда Украинадан келтирилган замонавий даст- гоҳлар ёрдамида сифатли шифер маҳсулотлари иш- лаб чиқарилмоқда. 40 киши меҳнат қилаётган корхона- да шу йилнинг ўтган дав- рида 200 минг дона шифер тайёрланиб, ички бозорга чиқарилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхона оёққа турмоқда

ХОРАЗМ. Хонқа туманидаги "Хонқаче- вар" масъулияти чеклан- ган жамияти банкдан олинган 80 миллион сўмлик кредит ҳисобига ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Ҳозирда 35 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган жамиятда катталар ва болалар учун ўн тўрдан ортиқ кийим-кечаклар тайёрлан- моқда.

Корхона маҳсулотлари сифатли ва нисбатан ар- зонлиги боис ички бозор- да ўз харидорини топмоқ- да. Ўтган қисқа муддатда "Хонқачевар" 100 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чи- қаргани бунинг исботидир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий лойиҳалар асосида

ЖИЗЗАХ. Зомин туманида Богшиамол, Форишдаги Қорабўл ҳамда Жиззах тумани- даги Оқолтин қишлоқла- рида янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда ушбу қиш- лоқлар ёшлари янги ўқув йилини замонавий лойиҳа- лар асосида барпо этил- ган мактабларда давом эт- тирилади.

Шунингдек, жорий йилда мактаб бўйича 72 та мактаб капитал рекон- струкция қилиниб, янги ўқув йилга шай қилиб қўйилди.


Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Инқироз чекин्याптими?

Германия ва Франция мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлини топди, дея хабар тарқатди "Bloomberg" агентлиги.



Бунга мазкур мамлакатлар иқтисодиётида жорий йил иккинчи чорагида ўсиш қайд этилгани асос қилиб кўрсатилмоқда. Жумладан, Германияда ялпи ички маҳсулотда ўсиш суръатлари 0,3 фоизни ташкил қилган. Экспорт

ҳажми биргина июль ойида етти фоизга ошган. Францияда эса бу борадаги кўрсаткич 0,2 фоизга тенг бўлган.

Кузатувчиларнинг фикрига кўра, бу давлатлар иқтисодиётида ўсишнинг қайд этилиши икки мамлакат ҳукумати томонидан инқирозга қарши дастурлар тўғри танланганига самарасидир.

Зиён етмади


Афғонистонда мамлакатнинг собиқ президенти Бурхонуддин Раббони ҳаётига суиқасд уюштирилди.

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбага кўра, Қўндуз музофотида Раббони кетаётган кортеж номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилган. Унинг тансоқчилари ва полиция томонидан босқинчиларга қарши ўт очилган. Натيجада 4 нафар жангари йўқ қилинган ва 16 нафари яраланган. Собиқ президентга эса ҳеч қандай зиён етмаган. Хунрезликни "Толибон" жангарилар гуруҳи ўз зиммасига олган.

Тамаддихонада портлаш

Ироқнинг Сингар шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди.

"France Presse" ахборот агентлигининг хабар беришича, тамаддихоналардан бирида икки нафар террорчи томонидан портловчи қуримлар ҳаракатга келтирилиши оқибатида 21 киши ҳалок бўлган, 32 нафари эса тан жароҳати олган. Шаҳар шифохонаси раҳбарининг айтишича, жароҳатланганлардан 18 нафарининг аҳоли оғир. Ҳозирча кўпуровчилик ҳаракати ким томонидан ва нима мақсадда амалга оширилгани номаълум. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.




Махсус амалиёт ўтказилди

Филиппинда ҳукумат қўшинлари мамлакатда жойлашиб олган босқинчиларга қарши махсус ҳарбий амалиёт ўтказди.

Мамлакат жанубидаги Басилан оролларида олиб борилган мазкур тазолаш ишлари чоғида "Абу Сайяф" босқинчилар тўдасининг 30 нафар аъзоси йўқ қилинган. Шунингдек, ҳукумат қўшинларидан ҳам йўқотишлар бўлган. Сақия соат давом этган отишлар чоғида 23 нафар аскар ҳалок бўлган, 20 нафари эса яраланган.

Саратонга чалинмай десангиз...

Спиртли маҳсулотларни истеъмол қилиш оғиз бўшлиғи ва томоқда саратон хасталигининг келиб чиқишига асосий сабабчи ҳисобланган.



Статистика маълумотларида келтирилишича, охири ўн йил мобайнида лаб, тил, томоқ ва оғиз бўшлиғи саратони билан боғлиқ ҳолатлар тўрт баробарга ошган ҳамда бу касалликлар, асосан, 40-50 ёш атрофидаги одамларда кузатилган. Натيجада биргина Буюк Британияда ана шу турдаги хасталиқлар туфайли ҳар йили 1800 киши вафот этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва чекиш инсон организмда онкологик эврилишга олиб келади. Бундан ташқари, сабзавот ва мевалардан керагига истеъмол қилмаслик ҳам саратон хасталигини келтириб чиқарар экан.

Таъкидлашича, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва чекиш инсон организмда онкологик эврилишга олиб келади. Бундан ташқари, сабзавот ва мевалардан керагига истеъмол қилмаслик ҳам саратон хасталигини келтириб чиқарар экан.

Қушлар учун товон пули

Жаҳондаги йирик хусусий нефть компанияси саналган "Ехон Mobil Corp" атроф-муҳитга етказган зарари учун 600 минг АҚШ доллари миқдоридан товон пули тўлайди.

Гап шундаки, мазкур компания 2004-2009 йиллар давомида наботот ва ҳайвонот оламининг ноёб турлари қирилиб кетишига сабабчи бўлган. Бу даврда 85 турдаги ноёб қушлар йўқ бўлиб кетган. "Ехон Mobil Corp" маъмурияти жарима тўлаш бораборида бундан кейин атроф-муҳитга зарар етказмасликка ваъда берди.

Тарқалиш суръати юқори


Шу кунларда Буюк Британияда А/Н1Н1 вирусининг тарқалиш суръати тезлашган.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш миллий хизмати томонидан маълум қилинишича, охири бир ҳафта мобайнида ушбу касалликни юқтирган одамлар сони 25 минг нафарга кўпайган. Мутахассисларнинг фикрича, ёзи мавсумида инсон организмнинг заифлашуви хасталик тарқалишининг жадаллашуви сабаб бўлмоқда. Статистика маълумотлари қараганда, ҳозирча гриппни юқтирган 49 киши ҳалок бўлган. Шу боис Буюк Британия бош шифокори октябр ойида мамлакат аҳолисига оммавий равишда вирусга қарши вакцина берилишини айтиб ўтди. Дунё бўйича эса А/Н1Н1 билан касалланган одамлар сони 219 минг 681 нафарга етган. Шу давргача 1882 киши бу хасталик қурбони бўлган.

Ўрмон ёнгинлари кузатилмоқда

АКШнинг Калифорния штати, Санта-Круз округида ўрмон ёнгинлари кузатилмоқда.

Айни пайтгача олов минг гектардан ортиқ ўрмонзорнинг қулини кўкка соворган. Натيجада бу ерда истискомат қилувчи 2,5 минг одам хавфсиз жойларга қўчирилган. Ўт ўчириш хизмати бошқармаси томонидан маълум қилинишича, ёнгин мингдан ортиқ тураржой биносига хавф солиши мумкин. Ҳориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўзбекистонимизнинг шўхрати жаҳон ҳамжамияти ўртасида тобора ошиб бораётгани, халқимиз турмуш фаровонлиги янада яхшиланаётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз эса кун сайин обод бўлиб, кўркamlашаётгани мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса жойларда ташкил этилаётган катта-кичик йиғинлар, тўй-маъракаларда одамларнинг сўхбат мавзусига айланди. Ушбу жараёнда, айниқса, молия муассасаларининг алоҳида ўрни борлиги қайд этилмоқда. Зеро, республикамиз банк тизimini ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборида турибди.

Миллий банк: КРЕДИТЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими томонидан, масалан, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш, кичик бизнес субъектлари ва фермерларни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор ишлар амалда ошириляпти. Бўлим ва унинг филиаллари томонидан 161141 нафар миждога хизмат кўрсатилаётгани шундан далолат беради.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банк кредит қўйилмалари 40869,8 миллион сўмни, жумладан, қисқа муддатли кредитлар 17924,4 миллион сўмни, узоқ муддатли кредитлар эса 22945,4 миллион сўмни ташкил этди, — дейди бўлим бошқарувчиси Шунқор Худойбердиев. — Умумий кредит қўйилмаларининг асосий қисми sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ушбу тармоқ маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш, савдо ва умумий овқатланиш каби соҳаларга йўналтирилди.

Бўлим жамоаси кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярмида банк шу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан 12,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратди.


Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Ўтган олти ой ичида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан чорва моллари сотиб олиш учун 350 миллион сўм кредит бериш режалаштирилган эди. Амалда эса, ажратилган кредитлар миқдори 354,7 миллион сўмга етди. Шу билан бирга, фермерлар банкнинг 879,5 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига

17 та қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олишди. Бундан ташқари, тадбиркор аёлларга 338,1 миллион сўмлик кредитлар берилди, бу борадаги режа ҳам ортиғи билан bajarилди.

Мижозлар ишончи ортмоқда Самарқанд туманида 2003 йилдан бошлаб «Самарқанд парранда» Ўзбекистон — Чехия — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси фаолият кўрсатиб келаяпти. Асосий фаолият тури тухум ва парранда гўшти етиштиришдан иборат бўлган мазкур корхона Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Самарқанд бўлимининг корпоратив миждоларидан хисобланади.

Бугун ана шу корхонада 383,7 минг дона товуқ мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятидан тухум олинаёпти. Ҳар бир товуқнинг ўртача вази 1,4 килограммни ташкил этаёпти. Корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўтган йили банк томонидан 3 млн. 220 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилган эди. Ушбу кредит х.и.о.б.с.га Украинанинг "Техна" фирмасидан 8 та замонавий ускуна сотиб олинди. Цехларнинг қайта таъмирланиши натижасида товуқлар сони яна 18,5 мингга кўпайтирилди.

2005 йилда ҳар бир тухум ҳисобига 12,54 сўм даромад олинган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 17,44 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда 20 эътибор қаратилиб келинади. Уларнинг эркин таълим олиши, меҳнат қилиши, фаровон яшashi учун барча шарт-шароитлар яратилаёпти. Президентимизнинг



Аниқроқ қилиб айтганда, четдан насли қорамол олиб келиш учун 185 миллион сўм ўрнига 220 миллион сўм, паррандачилик хўжалиқларини ташкил этиш учун 75 мил-

лион сўм ўрнига 267 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 250 миллион сўм ўрнига 261 миллион сўм, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун 200 миллион сўм ўрнига 25 миллион сўм, тадбиркорлик субъектларига иссиқхона ташкил этиш учун 320 миллион сўм ўрнига 333,5 миллион сўм, минитехнология ва ихчам ускуналар харид қилиш учун 200 миллион сўм ўрнига 930 миллион сўм, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш учун 80 миллион сўм ўрнига 85 миллион сўм, касаначиликни ривожлантириш учун эса 30,4 миллион сўм ўрнига 30,4 миллион сўм йўналтирилгани бугун ўз самарасини бераётган.

2009 йилнинг биринчи ярми мобайнида банк бўлими томонидан ҳам ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга кириб кели-

ши, меҳнат фаолиятини бошлашига кўмаклашиш борасида кенг қуламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёш оилаларга микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилиши уларнинг хусусий тадбиркорликни ташкил этишида, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш, мебель ва бошқа уй жиҳозларига эгаллик қилишида муҳим аҳамият касб этаёпти. Жорий йилнинг биринчи ярми давомида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 571,2 миллион сўмлик кредит маблағлари, жумладан, 176 миллион сўмлик ипотека, 215,5 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, 179,7 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Пластик карточка ҳаммага манзур

Бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида банк томонидан аҳоли ўртасида турли тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. 2009 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, миллий валютада ва хорижий валютанинг сўмдаги эквивалентида жами 17869,9 миллион сўмлик талаб қилиб олгунча ва муддатли аҳоли омонатлари жалб қилингани бунга яққол далил бўла олади.

Жорий йилнинг 1 июлигача эса бўлим бўйича жами 83688 дона пластик карточка эмиссияга қарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20428 тага кўпдир.

Амалиёт бошқармаси ва туман филиаллари томонидан, шунингдек, савдо шохбчалари ва бошқа ташкилотларда 312 та савдо терминали ўрнатилган бўлиб, улар орқали 2009 йилнинг биринчи ярми давомида 6043,9 миллион сўмлик пул айланмиси амалга оширилди.

Айни чоғда банк бўлими ва хизмат кўрсатиладиган миждолар ўртасида 365 та иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартномалар тузилган. Олти ой мобайнида улар орқали 4363,7 миллион сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг пластик карточкаларга туширилиши таъминланди.

Қисқача айтганда, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими ва унинг филиаллари Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йилда иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятини барқарорлаштириш, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қувватларини кенгайтириш, модернизациялаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳамда фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий хизматлар кўрсатиш даражасини янада яхшилаш йўлида фаол иш олиб бормоқдалар. Натижанда ажратилган кредитлар тарақиётга хизмат қилаётган.

Абдурасул САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ!»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти оммавий ахборот воситалари, энг аввало, ёшлар ва болаларга қаратилган даврий нашрлар, Интернет-порталлар ҳамда сайтларни республикамизда ўсиб келаётган ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол воғга етиши йўлида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар, уларнинг ҳаёти, ўқиш, изланишлари, ютуқ, муваффақиятлари, муаммолари ҳақидаги тезкор, ҳолис ва ҳақоний, таҳлилий материаллар билан бойитиш, ёш журналистларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатдаги ёшларга ихтисослашган барча газета ва журналлар, Интернет-порталлар ҳамда веб-саҳифалар ижодкорларини, 30 ёшгача бўлган барча журналистлар ва ижод билан шуғулланаётган талаба ёшларни «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деб номланган ижодий таловдада иштирок этишига таклиф қилади.

экспертлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов номинациялари: Таҳририятлар йўналиши бўйича: — энг яхши ёшлар газетаси/журнали; — энг яхши болалар нашри; — энг яхши талабалар газетаси; — ёшларнинг энг оммавий портали, веб-саҳифаси. Ёш журналистлар йўналиши бўйича: — энг яхши таҳлилий мақола; — энг яхши репортаж; — энг яхши фоторепортаж; — энг яхши интервью.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳолибларни аниқлашда таҳририятлар фаолиятининг ёшлар ва болалар ўртасида оммавийлиги, мавзунинг ёшлар ҳаётида тугган ўрни, долзарблиги, профессионал маҳорат, тил ва услубий оригиналлик асосий мезон ҳисобланади.

Танлов икки йўналишида ўтказилади: 1. Ёшлар ва болалар йўналишига ихтисослашган энг яхши босма оммавий ахборот воситалари, Интернет-порталлар ва веб-саҳифалар таҳририятлари учун. 2. Ёш журналистларнинг босма ОАВ ва Интернет тармоғида чоп этилган, ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ўсиб келаётган ёш авлодини ҳар томонлама баркамол воғга етишига қаратилган материаллари учун. Танловга 2009 йил 1 январдан 2009 йил 25 декабргача чоп этилган материаллар қабул қилинади.

Танлов шартлари Танловда мамлакатда рўйхатга олинган, мулк шаклидан қатъи назар, ёшлар йўналишига ихтисослашган барча босма оммавий ахборот воситалари, Интернет-порталлар, веб-сайтлар, шунингдек, Танлов ғолиблари нуфузли

Ҳолибларга муфотлар Ҳолиблар танлов ташкилотчилари томонидан таъсис этилган диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади. Танлов материаллари ва иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекистон — менинг Ватаним!» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2009 йил 31 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қavat, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдо залларида 2009 йил 18 сентябр кунини соат 11.00 да ўтказилаётган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилади:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчасида жойлашган «СУХРОБ-КАРВОН-НУР» МЧЖга тегишли автотранспорт воситаларига султирилган газ қуйиш шохбачаси, 2007 йилда қурилган, қурилиш ости майдони — 542,56 м².

Бошланғич баҳоси — 81 014 000 сўм.

Ушбу мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичи бир кун қолганда тўхтайтилади.

Аукцион савдосида катнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»и Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилот бошқармаси биноси, 1-қavat, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

PP «SHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ. Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99. www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» бошқаруви Банк фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Йўлдошбой Эргашевга уқаси Шоқир ЭРГАШЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг етакчи муҳаррири Сунаат Хужаҳмелова волидан муҳтарамаси ДАЪЗОКАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ



(Давомий Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз пойтахтида мухташам санъат қўшоналари қурилиб, ишга туширилди. Бинобарин, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Ёшлар ижод саройи сингари иншоотлар мамлакатимизда санъат соҳасига қўлаётган юксак эътиборнинг яққол далилидир. Қолаверса, Сурхон воҳасида археологик изланишлар олиб бораётган япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда Тошкентда халқаро маданият карвонсаройи барпо этилди. Бундан ташқари, Бадий академиянинг бевосита иштирокида мамлакатимизда фотография санъатининг ўзига хос мактаби яратилди. Хусусан, пойтахтда Фотосуратлар уйи ташкил этилиб, Тошкент халқаро фотобиенналега асос солинган, шунингдек, Халқаро фотосуратчилар уюшмасига аъзо бўлганлигимиз бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбек фотографиясининг 125 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро миқёсдаги тадбирлар, чоп этилган нашрлар ўзбекистонлик ижодкорлар эришган муваффақиятлардан бири сифатида эсда қолди.

Фахрланиб айтсак арзийдики, юртимизда ёш ижодкорларга эътибор, улар иқтидорини юксалтириш борасидаги хайрли ҳаракатларни изчил амалга ошириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Республикаимиз миқёсида ўтказилган қатор нуфузли кўргазмалар ҳамда халқаро санъат фестивалларида истеъдодли намоён эътибор қўзғатган эътиборимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Хусусан, Республика рассомлик коллежи ўқувчиси А. Абдураимова Мисрдаги болалар ижодиёти танловига кумуш медал билан тақдирланди. К. Нигматулина Словакияда бўлиб ўтган ёш рассомлар халқаро танловига бош совринни кўлга киритди. Республика тасвирий ва амалий безак санъати лицейи ўқувчиси А. Турдикулов «Шанкар» (Ҳиндистон) болалар ижодиёти халқаро танловининг Катта олтин медални, О. Исромов Болалар суратлари 10-халқаро биенналесининг маъсуф соврини (Токио), М. Сулеймин Япониядаги 8-халқаро танловнинг кумуш медални билан тақдирланди. Ж. Анназаров, Б. Ҳакимовнинг Мисрда шахсий кўргазмалари ташкил этилиб, Хеланг университетига маҳорат мактаби машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшларимиз Италия Бадий академиясида таълим олишиб, жадид музейларнинг олтин фонди билан яқиндан танишиб келдилар.

Бундай ютуқларни мамлакатимизда санъатта иштироки камол ўғил-қизларни камол топтиришга қаратилган кўп босқичли таълим тизими самараси билан ҳам боғлаш мумкин. Бугун юртимиздаги 13 та тасвирий ва амалий безак санъати лицейи, 3 та рассомлик коллежи ҳамда Камолитдин Бехзод номида-

ги Миллий рассомлик ва дизайн институти (МРДИ) сингари ўқув масканларида маҳоратли санъат усталари, тажрибали педагог мутахассислар фарзандларимиз иқтидорини юксалтиришга ҳисса қўшмоқдалар. Жойлардаги тасвирий ва амалий санъатта ихтисослаштирилган таълим муассасалари нафақат ўқув юрти, балки эл таниган рассомлар, халқ усталари билан ижодий учрашувлар, кўргазмалар ўтказиладиган маданият ўчоғи ҳамдир. Бугун бундай қўлуғ масканларда юзлаб ёш истеъдод соҳиблари бадийят сирларидан сабоқ олаётганлар. Бундан ташқари, Камолитдин Бехзод номидаги МРДИда аспирантура таълим йўналиши очилди. Энг муҳими, таълим тизимида хорижий турдош олий ўқув юрлари билан ўзаро ҳамкорлик ва таъриб-баъло ишлари борасидаги халқаро алоқалар изчил ри-вожланиб бормоқда.

Ўтган давр ичида дунё жамоатчилиги Ўзбекистон санъатини, халқимизнинг юксак маданиятини, тасвирий санъатимизни ўзи учун қайта кашф этди, дейиш мумкин. Кўп-кўп рассомларимиз, ҳайкалтарошу унармандларнинг асарлари бир неча халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намоён бўлиб келибди ва улар турли мукофотларга лойиқ топилди. Ижодкорларимиз асарлари жадидий ийрик музей ва галереялардан, санъат илҳомларидан, санъат коллекцияларидан жой олмоқда, хориждаги катта-катта шаҳарларнинг хийбон ва кўчалари-ни безаб турибди.

Гуруҳларимиз арзийдиган яна бир жиҳат, мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Халқаро биенналеларнинг мунтазам ўтказилиб келинаётганлиги юртимиз мўйқалам усталарининг номи ва ижодини кенг миқёсда танитишга хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, биеннале доирасидаги кўргазмаларда иштирок этувчи давлатлар ва санъаткорлар сафи тобора кенгайиб бораётти, бу эса Тошкент халқаро биенналеси жаҳондаги нуфузли тадбирлардан бири сифатида эътибор қўзғатилганидан далолатдир.

Ижод ҳам бамисоли ҳаёт қабиридир. Унинг мунтазам ҳаракатда бўлиши, етакчи маънавий-ахлоқий кўча айлиниши учун мамлакатимизда етарли шарт-шароитлар яратилган. Ижодкорларимиз эса ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, бадийий етуқ асарлар яратиб, бугун ҳаётимизда бўй бераётган янги намуналарни, халқимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларни, эзу мақсад ва интилишларини ишонарли ҳамда таъсирчан тарзда акс эттиришга ўларнинг бурчи деб биладилар. Ва энг муҳими, санъатимиз келажак бўлиши ёш истеъдодли фарзандлар камол топаётган йилларида улуғ аждодлардан мерос боқий анъаналар бардавонлигини таъминлаш лозимлигини ҳар бир ижодкор теран англайди.

Турсунали ҚўЗИЕВ, Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси.

«Шарқ тароналари — 2009»
Миллий музика санъатимизнинг туб илдизи кўҳна Самарқанд замини тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, бу афсонавий кент ўзбек мумтоз музикасига асос солинган шаҳар сифатида маълум машҳур. Айнан шу боис 1997 йилдан эътиборан, Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалини ўтказиш анъана тусига кирди.

ЭЗГУЛИК ТАРАННУМИ

Бугун ушбу фестивал жаҳон халқларининг миллий мумтоз музика санъати ижодчилиги анъаналарини асраб-авайлаш, халқлар ўртасида маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур нуфузли анжуман боис юртимиздаги кўп-кўп санъаткорларнинг ноёб иқтидори, ижодчилик маҳорати ва ўзига хос услуби халқро миқёсда кенг намоён бўлди. Хусусан, аввалги фестивалларда иштирок этган Муножот Йўлчиева, Наси-

ба Сатторова, Дилнур Қодир-жонова, Соҳибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Нодира Пирматовна сингари ўзбек ижодкорларининг соҳир овози ва ижодчилик маҳорати жаҳонда таниқли санъат усталарининг юксак эътирофига сазовор бўлди. Бундан ташқари, анжуманда қатнашган озарбойжонлик Симира Иманова, Олим Гасимов, Зобит Набизода, Айгун Бий, тожикистонлик Олимжон Бобоев, Озода-хон Ашурова, қозғистонлик Раъзона Ситамгазиев, Эрондан

Шаҳрам Нозирӣ, Фозил Жамшидий, ҳиндистонлик Шанну Кхурана, Жасиндор Нарула, Макдури Расмондор, Роман Кехман, Коредан Юн Конг Сан, Хитойдан Се Ли Ин каби хонандлар ҳам санъатсеварларнинг меҳрини қозондилар.

Эътиборлиси шундаки, «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалига дунё аҳлининг қизиқиши ва эътибори тобора кучайиб бормоқда. Даставвал ушбу анжуманда жаҳоннинг 33 мамлакатидан вакиллар иштирок этган бўлса,

Хуллас, ҳадемай шаҳримиз юраги бўлиши афсонавий Регистон бағрида ўнлаб миллат ва халқларнинг она-Ватан, Истиқлол, дўстлик ҳамда муҳаббатни тараннум этувчи музикаий оҳанглари жаранг сочади. Бу наволар — қалбларни эзгулик, меҳр ва вафо ҳисларига сўнгги хафтада Самарқанд дунёнинг турли бурчакларидан келган санъаткорларни катта тантана билан қаршилайди. Бугун шаҳар аҳли нуфузли меҳмонларни муносиб кўтиб олишга қизғин ҳозирлик қўраётди. Самарқанд янада чирой очиб, боғу хийбонлар, майдон ва кўчалар ободликка юз тутмоқда.

Йўлдош СУЮНОВ, Республика Маънавият тартиб-марказининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари.

СЎЗ, СОЗ ВА ОВОЗ ЭЪТИРОФИ



Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, мамлакатимизда миллий анъана ҳамда қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бардавонлигини таъминлашга қодир баркамол авлод этишиб чиқмоқда. Айни пайтда ана шундай ёшларимизнинг иқтидор ва истеъдоди турфайли юртимиз довуғи оламага ёйиллаётганидан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Хусусан, Президентимиз томонидан таъсис этилган «Нихол» мукофоти учун анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танлов ҳам шундай ёшларни кашф қилиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана, ўн йилдирики, мазкур мукофотга истеъдодли, музика санъатига меҳри банд ёшларимиз сазовор бўлиб келишяпти. Бугунга қадар «Нихол» совриндорлари сони ролпа-роса юз нафарга етди. Улар орасида 11 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 2 нафари эса Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига ҳамда яна бир қанчаси давлат мукофотларига сазовор бўлишган.

Кеча пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган «Нихол» мукофотининг бу йилги совриндорларини тақдирлаш маросимида ана шундай умидли ёшлар сафига қўшилган яна 14 нафар истеъдод соҳибининг номи маълум бўлди.

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур мукофот учун ўтказилаётган танловнинг нуфузи ва қўламини йил сайин кенгайиб бормоқда. Хусусан, ўтган йили танловнинг саралаш босқичларида жами 8122 нафар истеъдод соҳибни иштирок этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 9643

нафарни ташкил этди. Бундан аён бўладики, мазкур нуфузли беллашув ёшларимизни чинакам ижодий рақобатга чорламоқда. Муҳими, танловнинг жойлардаги ҳар бир босқичи кўтаринки ва кизгин руҳда ўтди. Нихоят танловнинг республика босқичида ишти-

«Нихол — 2009»

рок этиш ҳуқуқини қўлга киритган тўқсон нафардан зиёд номзод орасидан энг муносиблари сараланиб, рағбатлантирилди.

«Нихол» мукофоти учун танлов уч босқичда ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон санъат арбоби Анавар Эргашев. — Бу эса нафақат вилоят, шаҳар ва туманлар марказларида, балки мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқом қилаётган истеъдодли ёшларни ҳам аниқлаб, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш имконини берапти.

Жорий йил ушбу мукофотга бешта — музика ижодчилиги, эстрада, мумтоз кўшиқчилик, опера, шунингдек рақс йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг истеъдодли ёшлари сазовор бўлишди.

Хусусан, эстрада йўналиши бўйича — Шўхрат Мавлонов (Бухоро вилояти), Сўҳроб Кенжаев (Навоий вилояти), Дил-

дора Қурбонова (Самарқанд вилояти), Нигина Набиева, Ҳожимурод Бежонов (Тошкент шаҳри), Миржод Мирқомиллов (Тошкент вилояти), Шаҳризода Аҳмедова (Фарғона вилояти), Хурида Журоева (Қашқадарь вилояти), Ғайрат Бечканов (Қорақалпоғистон Республикаси), опера йўналиши бўйича — Умид Исроиллов (Фарғона вилояти), музика ижодчилиги бўйича — Фазлиддин Шуматов (Сурхондарь вилояти), мумтоз кўшиқчилик йўналиши бўйича — Адолат Қўлдошева (Андижон вилояти), Райҳона Жуманиёзова (Хоразм вилояти), рақс йўналиши бўйича эса Гулбар Абипова (Қорақалпоғистон Республикаси)га «Нихол» мукофоти топширилди.

Мен мумтоз кўшиқчилик йўналишида тақдирландим, — дейди Райҳона Жуманиёзова. — Кейинги йилларда мамлакатимизда санъатининг бу йўналиши юксалиб, қадр топиб, такомилланиб бораётипти. Айнан мумтоз кўш-қўшиқларимизни ижро этиб, нуфузли халқаро танловлардан совриндор бўлиб қайтаётган, дунё санъат илҳомларини лол қилаётган истеъдодли ёшларимизни кўриб, истисқолимиз буюклигидан фахрланиб кетасан, киши. Бунинг учун Юртбошимиздан беҳад миннатдорим.

Тадбирда «Нихол» мукофотига сазовор бўлган ёшлар ва санъат усталари ижросида катта концерт дастури намоён бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.


Ф. БЎТАЕВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт

Арманистоннинг Жермуқ шаҳрида шахмат бўйича ФИДЕ Гран-присининг бешинчи босқич баҳслари давом этмоқда.

Рустам Қосимжонов пешқадамни енгди

Халқаро турнирда Ватанимиз шарафини химоя қилаётган собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов бешинчи турда мусобақада ҳозиргача пешқадам бўлиб турган арманистонлик гроссмейстер Левон Аронянга қарши оқ донларда ўйнаб, ғалаба қозонди. Ҳамюртимиз бунгача ўтказилган тўртта учрашунинг барчасида дуранг натижага эришганди.



— Иван Чепаринов (Болгария) 1:0, Борис Гельфанд (Исроил) — Владимир Ақопян (Арманистон) 1:0, Сергей Карякин (Украина) — Этьен Бакро (Франция) — 1:0.

Қолган ўйинлар куйидегича қўнланди: Гата Камский (АҚШ) — Эрнесто Инаркьев (Россия) 1:0, Евгений Алексеев (Россия) — Петер Лекко (Болгария) 0,5:0,5, Дмитрий Яковенко (Россия) — Павел Ельянов (Украина) 0,5:0,5, Василий Иванчук (Украина)

Бешинчи турдан сўнг турнир жадвалида шундай вазият юзга келган: Лекко, Иванчук — 3,5 очко, Қосимжонов, Аронян, Гельфанд — 3 очко, Чепаринов, Карякин, Яковенко, Ельянов — 2,5 очко, Ақопян, Алексеев, Бакро, Камский — 2 очко, Инаркьев — 1 очко.


Дзюдочиларимиз иккита йўлланма соҳиб

Венгрия пойтахти Будапештда дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Олимпиада йўлларига йўлланма берувчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

63 килограмм вазн тоифасидаги дзюдочилар баҳсида ҳамюртимиз Гулноза Матниёзова иккинчи ўринни эгаллаб, келгуси йили Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпиада йўлларига йўлланмасини қўлга киритди. Гулноза финалгача бўлган беллашувларда Озарбойжон, Жазоир, Жанубий Корея ва Хорватиядан келган дзюдочиларни мағлубиятга уратди. Финалда япониялик Мика Тасирога имкониятни бой бериб, кумуш медал билан тақдирланди.

Иккинчи йўлланмага 55 килограмм вазн тоифасида қатнашган вақилимиз Мансур Мамажонов сазовор бўлди. У яқинда ўз вазн тоифасида кучли беш нафар спортчи рўйхатидан юл олди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.



Маҳаллаларда спорт мажмуалари

Сирдарё вилоятида кейинги йилларда «Ҳар бир маҳалла учун — биттадан спорт мажмуаси» дастури доирасида кенг қўламадаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ушбу йўналишда қилинган сай-ҳаракатлар натижасида 42 та спорт майдончаси, 2 та сузиш хавзаси бевосита маҳаллалар ҳудудида барпо этилди. Қуни кеча Гулистон шаҳридаги Бўстон маҳалласи ёшлари ҳам спорт-

нинг бир неча тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишди. Маҳалла ҳудудида сузиш хавзаси, мини-футбол, волейбол, баскетбол майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ,

Спорт • Sport • Спорт

ЯНГИ ҚУРИЛМА СИНОВДАН ЎТДИ

Йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва муҳим аҳамиятга молик объектларда ёнгинларни бартараф этишга мўлжалланган кўпикли ёнгин ўчириш қурилмаси ихтиро қилинди.

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиги Дилшод Пулатов муаллифлигида яратилган «УПГ-4000» деб номланган мазкур қурилма нефть ва газга қайта ишлаш корхоналаридаги 10 минг ҳамда 20 минг кубометр ҳажмдаги нефть маҳсулотлари сақланадиган резервуарларда содир бўладиган ёнгинларни ўчиришга мўлжалланган.

Ихтиро

Давлат патент идорасининг тегишли патенти билан тасдиқланган ушбу ихтиро қурилмаларни ёнгин чиққанда зудлик билан ҳаракатга келтириш, бошқарув хавфсизлигини таъминлаш, кўпикли тўғридан-тўғри ёнгин ўчоғига йўналтириш, нефть ва нефть маҳсу-

лотлари сақланадиган идишларда ёнгинни қиска фурсатда ўчириш имконини беради. Металл конструкцияси зилзилага, шамол ва қор босимида чидамли, ҳар қандай об-ҳаво шароитида фойдаланиш мумкин бўлган мазкур қурилма «Шўртан-нефтьга» корхонасида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Иккинчи йилги сақлаш сиғимларида ўрнатилган олддаги қурилмалар нефдан олинмадиган ёнғичи суяқликлар тасирини емирилиб, тез ишдан чиқиб қолар эди. Янги қурилма бундай камчиликлардан холидир.

А. МУҲАММАДИЕВ, Ў.А. муҳбири.

ОБ-ҲАВО (15 август)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб турса-да, ёнғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёнғингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик қутилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Ёнғингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёнғингарчилик қутилмайди. Тунда 18-23, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Харорат кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрога Г — 703. 35388 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида термал хамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳах — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 22.45 Топширилди — 00.50 1 2 3 5